***Одам савдоси... Сўнгги асрда дунё ҳамжамиятини жиддий ташвишга солиб турган хавф ва таҳдидлар қаторидан ўрин олган бу иллат бугун трансмиллий кўлам касб этиб бормоқда. Энг ёмони, дунёда бу жиноят билан машғул бўлаётган, уни даромад манбаига айлантириб олган йирик-йирик уюшган гуруҳлар кўпаймоқда. Юртбошимиз ўзининг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарида "Енгил йўл билан жуда катта бойлик орттириш шарпаси турли мамлакатдаги жиноятчи унсурларнинг бирлашишига, халқаро жиноятчи ҳамжамиятлар пайдо бўлишига олиб келишини кўрсатувчи мисоллар бутун дунё амалиётида етарли. Уларнинг фаолият соҳаси барчага маълум: у нопок пул топиш имкони бўлган ҳамма жойда қўлланилади", деган эди. Ушбу фикрларнинг нечоғли тўғри эканлигини бугун ҳаёт кўрсатмоқда.***

# ИНСОН ШАЪНИ МУҚАДДАС

Мамлакатимизда одам савдосининг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилган ва бу борадаги ишлар янада изчиллик билан давом эттирилмоқда. Чунончи, Жиноят кодексида бу қилмиш учун жавобгарлик назарда тутилган меъёрлар мавжуд, қолаверса, жорий йилнинг апрель ойида "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун кучга кирди. Яқиндагина ўз ишини якунлаган Олий Мажлис Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлисида "Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш, унинг учун жазолаш ҳақидаги Протоколни ратификация қилиш тўғрисида"ги Қонун маъқулланди.

Ушбу жиноят, ҳақиқатдан ҳам, бугун дунё ҳамжамиятининг оғриқли нуқтасига айланди. Чунки охирги маълумотларга қараганда, ҳар йили тахминан 2,7 миллион нафар инсон одам савдосининг — ўта оғир жиноятнинг қурбонига айланмоқда. Энг ачинарлиси, бу кирдикорликдан жабрланганларнинг 80 фоизини аёллар ҳамда ёш болалар ташкил этаётир. Мазкур уюшган жиноят натижасида олинаётган йиллик "даромад" миқдори 7 млрд. АҚШ долларидан ортиқ эканлиги ҳам ҳар бир кишини огоҳликка чорлаши турган гап.

Дарҳақиқат, одам савдосидан ҳеч бир мамлакат, ҳудуд тўла-тўкис ҳимояланмаган. Негаки, бундай трансмиллий жиноят барча давлатларга кириб борган, ҳар бир мамлакат у ёки бу шаклда, у хоҳ транзит, хоҳ манба мамлакат бўлсин, бу иллатдан тенг баробар жабр кўрмоқда. Мамлакатимиз ҳам дунё ҳамжамиятининг бир қисми сифатида бу муаммони бошидан кечирмоқда. Хусусан, маълумотлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда охирги 3 йилда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига одам савдоси қурбонларига айланган фуқаролардан 1000 дан ортиқ аризалар келиб тушган. Уларнинг мурожаатлари асосида 700 га яқин жиноят ишлари қўзғатилган. Айбланувчиларнинг ярмидан кўпини аёллар ташкил этишини эшитиб, тўғриси, уларнинг бундай қабиҳликка қандай қўл ураётганини таърифлашга қалам ожиз қолди. Албатта, бундай кимсаларнинг қилмиши эртами-кечми қонунга биноан жазоланади.

— "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунда мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш, яъни одам савдосининг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш, оқибатларини минималлаштириш, жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича аниқ фаолиятни тартибга солиш назарда тутилган, — дейди Ўзбекистон Олий Мажлис Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ. — Лекин, одам савдосига биргина мамлакат, давлат миқёсида кураш олиб бориш билан чегараланиш амалда сезиларли натижалар бермайди. Бу жиноятнинг ҳар қандай кўриниши ва

## Қонун кучга кирди

турлари трансмиллий, яъни ҳудуд ва чегара билмас экани туфайли унга қарши кураш халқаро миқёсда амалга оширилади. Бу эса мамлакатнинг халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, конвенцияларга қўшилишини тақозо этади.

Шу ўринда маълумот тариқасида айтиш керак, одам савдосига қарши кураш ҳақидаги биринчи халқаро ҳужжат 1899 йилда Лондон шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференцияда қабул қилинган "Аёллардан шаҳвоний мақсадларда фойдаланиш учун уларни ёллашга қарши кураш тўғрисида"ги резолюциядир. Кейинчалик ҳам бундай ҳаракатлар изчиллик билан давом эттирилди. Хусусан, 1904, 1910 йилларда мазкур масала юзасидан халқаро битимлар, 1921 ва 1933 йилларда одам савдоси муаммолари бўйича конвенциялар қабул қилинган. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1950 йилнинг 21 мартида эълон қилинган "Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида"ги Конвенция ҳам муҳим ҳужжат саналади. Мамлакатимиз унга 2003 йилнинг 12 декабрида қўшилган.

Бу конвенциялардан яна бири 2000 йили БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси уни 2003 йилда ратификация қилган. Мазкур конвенциянинг тўлдирувчиси сифатида Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протоколи ҳам мавжуд бўлиб, бу Протоколга Ўзбекистон 2001 йилда қўшилган.

— "Одам савдоси", — фикрини давом эттирди Мамазоир Хўжамбердиев, — протоколда берилган таърифга кўра, одамларга куч ишлатиш билан қўрқитиш ёки куч ишлатиш йўли билан одамларни таҳқирлаш (эксплуатация), бир-жойдан бошқа жойга олиб ўтиш, бошқа бировга етказиш, беркитиш, таъсир ўтказишнинг бошқа шаклларини қўллаш, ўғирлаш, алдаш, фирибгарлик қилиш, лавозимни суиистеъмол қилиш каби қатор жиноятларни ўз ичига олади. Таърифнинг аҳамиятга молик тарафи шуки, агар шахсга таъсир ўтказишнинг ушбу шакллари қўлланилган бўлса, режалаштирилган эксплуатацияга, ҳатто, ўзи рози бўлган бўлса ҳам, қурбон шахснинг бундай розилиги ҳисобга олинмайди ва бу ҳолат жиноятчини жавобгарликдан озод қилмайди. Бундан ташқари, 18 ёшга етмаган шахсларни, яъни болаларни эксплуатация қилиш мақсадида одам савдосига жалб этиш, бир жойдан бошқа жойга олиб ўтиш, бошқа бировга етказиш, яшириш ва қабул қилиб олиш каби ҳаракатлар юқорида санаб ўтилган мажбурлаш шакллари қўлланилмаган бўлса ҳам одам савдоси туркумига киритилади. Мазкур Протоколда санаб ўтилган жиноятлар трансмиллий тусга эга бўлса, яъни икки ва ундан ортиқ давлатни қамраб олса ҳамда улар уюшган жиноий гуруҳ иштирокида содир этилса, бундай жиноятларнинг олдини олиш, текширув ўтказиш ва жиноят қидирув олиб бориш ва жиноят қурбонларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ равишда қўлланилади.

Суҳбатдошимизнинг қайд этишича, Протоколнинг ратификация этилиши давлатимиз томонидан одам савдосига қарши кураш бўйича комплекс тадбирларни амалга оширишни ва шу соҳага доир миллий қонунчиликни такомиллаштиришни талаб этади. Аслида бу борада муайян ишлар олиб борилмоқда. Биргина қонунчиликни такомиллаштириш борасидаги ишларни олсак, ушбу Протоколнинг барча қоидалари Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун меъёрларида тўлиқ инобатга олинган, имплементация қилинган. Унга кўра, бу йўналишдаги курашни муассасавий шакли ҳам ишлаб чиқилган. Мазкур ҳужжатнинг ратификацияси одам савдоси билан боғлиқ халқаро ҳужжатлардаги қоидаларнинг Ўзбекистон Республикаси Қонунларига уйғунлаштирилишига ҳамда одам савдоси билан боғлиқ ҳар қандай ҳуқуқбузарликка, айниқса, мазкур тоифадаги жиноятларга чек қўйиш борасида миллий қонунчилигимиздаги ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Одам савдосига қарши кураш бу нафақат маълум бир орган ва идораларнинг вазифаси, балки бу иш ҳамманинг, бутун жамиятнинг иши. Аҳолини бу хавфдан хабардор қилиб туриш, айниқса, аёллар ва болаларни ҳимоялаш, уларга таълим олиш, иш фаолият билан таъминлаш, фойдали меҳнат фаолиятига жалб этиш одам савдосининг олдини олишнинг жуда муҳим омилидир. Қолаверса, мана шундай ҳуқуқий мажмуаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ва самарали рўёбга чиқарилиши инсон қадр-қимматини ҳимоялайди, унинг бошқалар томонидан поймол этилишини бартараф этади.

**Қобил ХИДИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# ИСТИҚЛОЛ НУРИДАН МУНАВВАР ШАҲАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Янгидан қурилаётган ва таъмирланаётган ҳар бир бино шаҳарнинг ҳуснига ҳусн қўшиши керак, — дейди шаҳарнинг бош меъмори Зебо Жалилова. — Шаҳарсозликнинг талаби шу. Биз нафақат йирик биноларнинг, балки тадбиркорлар ва ишбилармонлар томонидан қурилаётган савдо-маиший хизмат кўрсатиш объектларининг ҳам бош режа асосида узоқ йилларга мўлжалланган бўлишини назорат қилиб бораяпмиз. Мустаҳкам ва ташқи кўриниши гўзал иморатлар меъморчилигининг даври келди.

Бу гапларни эшитиб туриб, «Ҳисорнефтгаз» қўшма корхонасининг офиси кўз олдимга келди. Янги офис биноси санъат асарига ўхшайди, ўтган ҳам, кетган ҳам бир тўхтаб томоша қилади. Унинг ёнидаги «Афсона» хусусий меҳмонхонаси эса эртаклардаги кошонанинг ўзи. Янги Қаршининг қиёфаси ана шундай шаклланмоқда.

Қўшни кўчадаги Маданият ва спорт-соғломлаштириш марказини айтмайсизми? «Шўртангазкимё» мажмуига қарашли бу кошонада жаҳон миқёсида юксак ўринларга даъвогар спорт юлдузлари ҳам, ишдан кейин маданий ҳордиқ чиқариш, жисмоний чиниқиш учун келган ишчилар ҳам бир хил шароитда, ёнма-ён шуғулланмоқда.

Дарвоқе, дам олиш ҳақида. Марказий маданият ва истироҳат боғи оз эмас-кўп эмас, 50 гектар майдонни эгаллаб турибди. Бир томони соя-салқин боғ, бир томони зилол сувли кўл. Ёшлар учун хилма-хил аттракционлар ишлаб турибди. Биргина бу эмас. Шаҳарнинг гавжум жойларида кўплаб катта-кичик хиёбонлар, кўкаламзор майдонлар борки, кўз қувонади. Айниқса, кечқурунлари улкан фавворалар отилиб, сон-саноқсиз сув сачратгичлар ишлаб кетганда салқиндан тан роҳат қилади. «Болалар боғи» ҳақида алоҳида айтмасак бўлмас. Бошқа шаҳарларда ҳам болаларга аталган ҳордиқ масканлари бордир, лекин бунақаси бўлмаса керак. Боғ директори Рустам Ражабовнинг гувоҳлик беришича, уни кўриш учун деярли ҳамма вилоятлардан мутахассислар келишипти.

Қурбон ака тошкентлик меҳмонга шуларнинг ҳаммасини кўрсатди. Меҳмон Амир Темур даврида қурилган Одина масжидига борганда ҳайратдан ёқа ушлади. Ўзи гувоҳ. Бир вақтлар бу гўша ҳибсхонага айлантирилган. Шўро даврида «Қарши турмаси» номи билан аталган ва қалбларни даҳшатга солган зўравонлик маскани ўрнида ташкил топган «Ўзликни ўрганиш маркази»да Бухоро вилоятидан келган бир гуруҳ ёшлар билан учрашиб қолишди. Улар марказ ходимининг Қаршида кейинги вақтларда юз берган ўзгаришлар ҳақидаги ҳикоясини мириқиб тинглашди. Меҳмонлардан бири ёнида турган Қурбон акага тортинибгина савол берди:

— Янги қурилишлар кўп экан, шаҳарнинг тарихий қиёфаси бузилиб кетмайдими?

— Ҳозир Қаршини кўргани, обидаларни зиёрат қилгани кўп одам келадиган бўлиб қолди. Ҳаммани шу савол қизиқтиради. Аслида, сиз ўйлаётганнинг акси бўлди. 10-15 йил олдин Қаршидаги тарихий обидалар бузилиб, хароба ҳолига келиб қолган, бир қолипдаги иморатларнинг соясида қолиб кетган эди. Энди улар тикланиб, кенг майдонларда элнинг назарига тушди. Мана, биз турган жой — шаҳарнинг тарихий маркази, Регистон. Уни очиш учун анчагина бинолардан воз кечишга тўғри келди. Мана бу масжиду мадрасалар фақат шаҳарнинг ўтмишидан дарак бериб қолмасдан мустақилликнинг қадру қимматини, мамлакатимизда кўҳна моддий ва маънавий меросга қанчалик катта эътибор берилаётганини ҳам кўз-кўз қилиб турибди. Бунинг учун Оллоҳга шукроналар айтишимиз керак.

Чин дилдан айтилган бу самимий сўзларга меҳмонимиз Усмон ота ҳам, даврадаги барча ёшлар ҳам қўшилишди. Зеро, бу фикр қаршиликларнинг бугунги ўй-фикрлари билан ҳамоҳанг эди.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТАРБИЯ ТАРҒИБОТИ КУЧАЯДИ

***Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2006 йил 25 августда қабул қилинган миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини юксалтиришга оид қарори юзасидан Сурхондарё вилоятида муайян ишлар амалга оширилмоқда.***

## Маънавият

Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармаларининг вилоят бўлимлари, Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят бўлими кенгаши ҳамкорлигида маҳаллаларда, таълим муассасаларида, корхона ва ташкилотларда таниқли олим, ёзувчи ва шоирлар, иқтидорли ёшлар билан учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. «Биз гиёҳвандликка қаршимиз, соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз», «Ёшлар терроризм ва диний экстремизмга қарши» мавзуларида фестиваль, интеллектуал ўйин ва танловлар ўтказиш тобора изчиллик касб этмоқда. Ёшларнинг Ватан равнақи, халқ фаровонлигига хизмат қиладиган изланиш ва ташаббуслари ҳар тарафлама қўллаб-қувватланаётир.

Сурхондарё вилояти маънавият ва маърифат кенгашининг навбатдаги йиғилишида шулар ҳақида атрофлича сўз юритилди. Унда тегишли ташкилот ва муассасалар раҳбарлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, бугун турли ғоявий ва ахборот хуружлари давом этаётган бир шароитда аҳолининг кенг қатламларини, айниқса, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ишларига эътиборни янада кучайтирмоқ зарур. Миллий манфаатларимизга зид, жамият барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи мафкура ва сохта диний ақидаларга қарши курашишни янада кучайтириш тақозо қилинмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида маънавий-маърифий соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганидан кўзланган пировард мақсад, аввало, маънавий етук, мустақил фикрга эга ёшларни вояга етказишдан иборат эканини алоҳида таъкидлади. "Ёшлар йили" Давлат дастурида белгиланган ишларни жадаллаштириш юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Йиғилишда Сурхондарё вилояти ҳокими Т. Жўраев сўзга чиқди.

**Х. МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Самарқанд шаҳридаги "Стеклопластик" очиқ акциядорлик жамиятида маҳаллийлаштириш дастури шарофати билан таълим ва тиббиёт муассасалари учун кўплаб турдаги мебель жиҳозлари ҳамда спорт анжомлари тайёрлаш ўзлаштирилди.



# МАҲСУЛОТ ЎЗИМИЗНИКИ, ЎЗБЕКИСТОННИКИ!



Импорт ўрнини босувчи бундай маҳсулотлар хом ашёси маҳаллий корхоналардан олинаётгани боис сифати юқори, таннархи эса арзондир. Бу эса маҳсулотлар харидоргирлигини таъминламоқда. Буни жорий йилда корхона 354 та мактаб ва 65 та касб-ҳунар коллежини мебеллар билан жиҳозлашни зиммасига олгани ҳам яққол кўрсатиб турибди.

## Изланиш

Яқинда бу ерда Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилаётган "Исузу" автобуслари учун олд бампер, торпедо каби бутловчи қисмлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди.

**СУРАТЛАРДА:** 1. Жамиятнинг илғор ишчиси Райҳона Пўлатова; 2. Оператор Равшан Қудратов.

**Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**

***Бу дунёда онадай жонфидо ва жонсарак зот йўқ. У фарзанди учун тунлари уйқудан, кундузи оромдан кечади. Тили энди чиқиб, тетапоя бўлаётган боласининг ҳар бир хатти-ҳаракатидан, гап-сўзидан боши кўкка етади. Унинг камоли учун меҳр-муҳаббатини, мол-мулкини аямайди. Негаки ҳар бир она фарзандида ўз келажагини кўради, унинг ўзи эришмаган довонларни-да забт этишини истайди. Бу, табиийки, она ва бола ўртасидаги ҳаётий манзара. Буни ҳамма билади ва шунга қатъий амал қилади. Ва минг афсуслар бўлсинким, ҳаётда баъзан бунинг акси ҳам бўлиб тураркан. Ўз фарзандини чоҳга — тубсиз жарликка етакловчи оналар ҳам бор экан.***

# ГИЁҲВАНДЛИК — ИЛЛАТ

## заҳри қотил савдоси эса жиноятдир

**Б**ухоро шаҳрида яшовчи Зулхумор Ҳайдарова энди қирқ тўрт ёшга кирди. Қирқ тўрт ёшида у ўз қора қилмишлари учун панжара ортида ўтирибди. У ўтган йилнинг охирларида пайариқлик Эркин Холбоев билан гиёҳвандлик моддасини сотиш ва шу орқали бойлик орттириш мақсадида ўзаро жиноий тил бириктиради. Ундан 197,1 грамм «героин» гиёҳванд воситасининг ҳар бир граммини 6 минг сўмдан сотиб олишга келишади. Аниқроғи, пулини кейин бериш шарти билан полиэтиленга солинган 197,1 грамм заҳри қотилни сотиб олади. Бу пайтда у аёллигини ҳам, оиласини ҳам ва бири-биридан ширин тўртта фарзандини ҳам унутади. «Унутади» десак биз андак адашган бўламиз, аксинча бу лойқа ва бадбўй ишга ўз қизи Замирани ҳам жалб этади.

Энди гапни Эркинбойдан эшитинг. У тергов ҳаракатлари ва суд мажлиси жараёнида шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган «Йўлчи» исмли кимсадан олган молини Зулхуморга ўтказганидан хурсанд эди. Агар «бизнеси» шу тарзда авж олиб турса, тез орада анча бойиб кетади. Кейин Пайариқда унга тенглашадиган бойвачча бўлмайди. Дангиллама ҳовлилар, қатор-қатор хориж машиналари... Эркинбой яна чуқурроқ ўйлаб кўрса, фойданинг бир қисмини Зулхуморга ўхшаганлар илиб кетишаётган экан. Нега? Нега шу аёл қилган ишни бу қилолмас экан? Мўмай даромадни нима учун биров билан арра қилиши керак экан?

Шу ўй билан у яна «Йўлчи»нинг олдига боради. Ундан иккита полиэтилен пакетга солинган 380,2 грамм «героин» гиёҳванд воситасини сотиб олади. Эртасига, яъни 2008 йил 29 январда у «Икарус»га ўтириб, Хоразмга йўл олади. Заҳри қотилни эса ўзи ўтирган ўриндиқнинг тагига яшириб қўяди. Ромитан туманидаги «Чандир» постида ЙПХ ходимлари аланг-жаланг қилаётган Эркинбойдан гумонсирашади ва текшириб кўриб... айнан шу ўринда унинг «улкан бизнес»ига якун ясашади. Эркинбой ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, жиноятини охирига етказолмай қолади.

## Таассуф

Қарангки, орадан қарийб бир ой ўтгач, айнан шу постда, яъни «Чандир»да ЙПХ ходимлари Зулхуморнинг қизи Замирани ҳам жиноят устида қўлга оладилар. Зулхумор Эркинбойдан олган 197,1 грамм «героин»ни полиэтилен пакетга солиб, бир литр ҳажмидаги қулупнайли мураббонинг ичига жойлаштиради. Сўнгра уни қизига беради ва иккаласи Урганч шаҳрида учрашишини, «мол»ни Қозоғистон Республикасига ўтказиб, каттагина маблағга сотишини тушунтиради. Қизини Хоразмга кетаётган «Нексия»лардан бирига ўтқазади. Кўнгли қора ниятларга тўла Зулхумор қизига ҳатто «оқ фотиҳа» ҳам бергандай бўлади.

Улар ҳаммани худди ўзлари каби кўзларини шира босган деб ўйлашарди. Дунёда зийрак кўзлар, тийрак нигоҳлар, юрт манфаати, эл осойишталиги учун ҳар қандай жиноятларга қарши мардонавор курашадиган, ҳаром-ҳаришга учмайдиган инсонлар ҳам борлигини улар сал бўлмаса унутаёзганди. Заҳри қотил шу ерда холислар иштирокида ҳужжатлаштирилди.

Қиз онаси кўрсатган сўқмоқдан бориб тузоққа илинди. Ваҳоланки у бу сўқмоқнинг охири жарлик эканини яхши биларди. Чунки Замира бу пайтда 24 ёшга тўлган, оилалик эди. Афсуски, нафс балоси уни йўлдан қайтаролмади ва оқибатда жаҳолат ботқоғига тортиб кетди.

Одил суд жараёнида она ва қиз ўз айбларига иқрор бўлишди. Неварасини тиззасига олиб, Алпомишнинг ёвқурлиги-ю, Тўмариснинг тантилигидан эртак ва маталлар айтиб берадиган айни бир пайтда Зулхумор Ҳайдарова темир панжара ортида қора ўтмишидан азият чекмоқда. Ҳам ўзининг, ҳам қизининг ҳаётини зулматга айлантирди. Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди онани 14, қизини эса 12 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарди. Эркин Холбоев эса 16 йил муддатга кесилди.

Дарҳақиқат, гиёҳвандликнинг қора иллатлари на онани, на болани, на тоға-жиянни тан олади. Уларни вақтинча «дўст»га, лекин абадий душманга айлантиради. Бир дастурхондан ош еган оғизлар вақти келганда бир-бирини сотадилар, чидаб бўлмас ҳақоратларга булғайдилар. Сурхондарёлик Толиб Файзуллоев тоға, Исматулло Неъматов жиян эди. Улар Абдукомил Абдураупов билан ҳамкорликда «қора режа» тузадилар. Режага кўра, 11 кг 911,6 грамм «опий» ва 981,2 грамм «героин» гиёҳвандлик воситаларини тергов жараёнида аниқлашнинг имкони бўлмаган урганчлик шерикларига етказиб бериш учун кетаётганларида қўлга олиндилар. «Чандир»дагиларнинг нигоҳи ўткир экан. Т. Файзуллоевга тегишли бўлган ВАЗ-21011 русумли 19 Е 1795 давлат рақамли автомашина олд ғилдиракларининг юқори қисмига жуда мустаҳкам тарзда яширилган бу «мол»ларни ҳам дарров топиб олишди. Жиноий гуруҳнинг фаолиятига шу ерда нуқта қўйилди. Ваҳоланки улар режалари амалга ошса, айшу ишратда дам олмоқчи эдилар. Уларнинг ҳар бири эндиликда панжара ортида 15 йилдан ўтириб чиқадиган бўлди.

**Б**из бундай воқеаларни кўп эшитамиз, китоблардан ўқиймиз, телевизорда кўрамиз. Аммо сабоқ чиқаришга келганда... «э, бу бизга дахлдор эмас», деб ўйлаймиз. Ваҳоланки ҳаётдаги барча воқеалар айнан бизга тегишли ва тааллуқлидир. Чунки ён-веримизда болаларимиз, невараларимиз, қариндош-уруғларимиз, тоға-жиянларимиз яшашади. Уларсиз ҳаёт бутун, турмушимиз тўкин бўлмайди. Зеро, бугун мамлакатимизда барпо этилаётган ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг асл мақсади ҳам ҳаётимизда қонун устуворлигини таъминлашдан иборат. Қонун устувор бўлган юртда эса одамлар фақат эзгу ниятлар билан яшашади.

**Олим ТЎРАЕВ,**
**жиноят ишлари бўйича**
**Бухоро вилояти суди раисининг ўринбосари.**

# «Пахтабанк»: МАҚСАД — БУНЁДКОРЛИК, ФАРОВОНЛИК




***Биз буюк тарихий воқеа — Ватанимиз мустақиллигининг шарафли 17 йиллиги арафасида яшаяпмиз. Мустақил ривожланиш — мамлакатимизни тубдан ўзгартирди. Порлоқ ўзгаришлар ва янгиланишлар бугун ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида, жумладан, республикамизнинг банк ва молия тизими ҳаётида ҳам яққол кўзга ташланиб турибди.***

***Ўтган давр мобайнида Президентимиз раҳнамолигида Ўзбекистонда банк тизимини замон талабларига қараб ўзгартириш ва такомиллаштириш борасида улкан миқёсдаги ислоҳот ишлари амалга оширилди.***

The Banker
Bank of the Year 2007
UZBEKISTAN

**Б**угунга келиб Ватанимизда сўзнинг том маъносида халқаро андозалар даражасида иш юритаётган банк ва молия тизими вужудга келди ҳамда улар мамлакатимизда бунёдкорликни, ободонлик ва халқ фаровонлигини ривожлантиришга фидокорлик билан хизмат қилмоқда.

Ўзбекистондаги банк ва молия тизимининг ютуқлари ҳозирги кунда халқаро доирада ҳам эътироф этилмоқда. Чунончи, Халқаро Валюта фонди миссияси яқинда мамлакатимизнинг банк тизимида таркибий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш изчил давом этаётганлигига, банкларнинг капиталлашув даражасини ошириб бориш орқали тизимнинг барқарорлиги таъминланаётганлигига юқори баҳо берди.

Республика банк-молия соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтиришга доимо эътибор кўрсатиб келинмоқда.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" 2007 йил 21 майдаги ҳамда "Тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш ва уларнинг иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестициявий жараёнларда иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2007 йил 12 июлдаги қарорлари банк тизимини янада ривожлантиришда дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Ушбу муҳим давлат ҳужжатларида мамлакатимизда молиявий барқарорликни таъминлаш, тижорат банкларининг капиталлашуви даражасини янада ошириш ва уларнинг эркинлигини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз миқёсида банк-молия тизимини ривожлантиришга жиддий аҳамият қаратилаётганлиги, пировардида, ўз самарасини ҳам бермоқда. Буни республикамизнинг йирик тижорат банкларидан бири бўлган "Пахтабанк" фаолияти мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Бугунги кунда ушбу банк мамлакат халқ хўжалигида ҳамда унинг таркибий бир бўғини бўлмиш қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш ва чуқурлаштириш ишига катта ҳисса қўшиб келяпти.

"Пахтабанк"нинг Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлардаги 12 та бошқармаси, 186 та филиали, 704 та минибанки ва 145 та махсус кассаларида мижозларга хизмат кўрсатиш кўлами тобора кенгайтирилиб, сифат жиҳатдан такомиллаштирилиб борилмоқда.

Банк ўз ресурс базасини ошириш билан бир қаторда, республикада фаолият кўрсатаётган бюджетдан ташқари жамғармалар ва жаҳон молиявий институтлари билан яқиндан алоқа ўрнатиб, уларнинг маблағларини банкка жалб этган ҳолда, иқтисодиётимизнинг устувор йўналишларини молиялашни тобора кенгайтираяпти.

"Пахтабанк"нинг халқаро нуфузи ортаётганидан яна шу нарса далолат берадики, 2007 йилда ушбу банк мамлакатимиз тижорат банклари орасида биринчи бўлиб Fitch Ratings халқаро рейтинг компаниясининг "Барқарор" тоифасидаги тўлиқ рейтингини олишга муваффақ бўлди. Шу билан бирга, жаҳонга машҳур "Tне Banker" журнали ҳар йили ўтказадиган танловда Ўзбекистоннинг энг яхши банки деб эътироф этилиб, "Йил банки — 2007" сертификатига муносиб топилди.

Шу ўринда айтадиган бўлсак, МДҲдаги баъзи давлатларнинг тижорат банклари рейтингларида пасайиш юз бераётган бир пайтда республикамиз банк тизимининг, жумладан, "Пахтабанк"нинг юқори обру-эътибор топаётганлиги, шак-шубҳасиз, мамлакатимиз банк-молия тизимидаги оқилона ислоҳотларнинг қувонарли самарасидир.

## Қишлоқдаги ислоҳотлар камарбастаси

"Пахтабанк" мамлакат қишлоқ хўжалигида иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни чуқурлаштиришга оид Президентимиз ғояларининг ижросини таъминлаш, жумладан, қишлоқларимизда кенг қулоч ёйган фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш соҳасида салмоқли ишларни амалга оширмоқда.

Бугунги кунда республикамизда "Пахтабанк" хизматидан фойдаланиб келаётган фермер хўжаликлари сони 86 мингдан ошди. Шу хўжаликлардан 63465 таси пахта ва ғалла етиштириш билан шуғулланади.

Аммо бундан, "Пахтабанк" қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларига эътибор қаратмаяпти, деган хулосани чиқаришга шошилмайлик. Ушбу банк қишлоқларимизда мева-сабзавот ва чорвачиликнинг равнақ топишига ҳам салмоқли даражаларда ўз кредитларини ажратаяпти.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг «Тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш ва уларнинг иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестициявий жараёнларда иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги (2007 йил 12 июль) қарорига яна бир бор мурожаат қиламиз. Сабаби, ушбу қарорга "Пахтабанк" узоқни кўзлаб, ўзига хос ёндашди. Мазкур қарор эълон қилингач, "Пахтабанк" жамоаси мева-сабзавот ҳамда чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантиришга мўлжалланган инвестиция лойиҳаларини ҳар томонлама ўрганиб, уларнинг орасида энг истиқболлиларини танлаб олиб, молиялаштиришга киришди.

Қишлоқдаги ислоҳотларнинг тобора такомиллашувида, жумладан, агрофирмаларнинг ташкил топиши ва ривожланиб бораётганлиги олдинга қараб қўйилган муҳим бир қадамдир. Бу тармоқнинг ҳаётда янада мустаҳкам ўрин топишида Юртбошимизнинг "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида" 2006 йилнинг 11 январидаги қарори муҳим аҳамият касб этди. "Пахтабанк"нинг жойлардаги филиалларида, шу муносабат билан, 109 та агрофирманинг ҳисобрақамлари очилиб, ўзаро шартномалар асосида уларга хизмат кўрсатилмоқда. Агрофирмаларга ўз ишлаб чиқаришини ташкиллаштириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш учун 2008 йил давомида ажратилган кредит миқдори 4 миллиард 912 миллион сўмни, шу жумладан, тармоққа минитехнология ва ихчам ускуналар сотиб олиш учун берилган кредитлар қолдиғи 2 миллиард 579 миллион сўмни ташкил этди.

Банк томонидан ажратилган кредитлар асосида агрофирмаларда замонавий ускуналар ўрнатилди, банк кредити эвазига хом ашё сотиб олиниб, ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга эришилди, корхоналарда 200 га яқин янги иш ўринлари вужудга келди. Яна бир муҳим томони — маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг экспорт салмоғи ортди.

Банк, айни пайтда, ўз кредитларининг белгиланган мақсадлар учун ишлатилиши устидан қатъий мониторинг олиб бораяпти. Натижада, сарфланган маблағлар кутилган самараларни бериши билан бирга, пировардида, тўла қайтарилмоқда.

Банк фермерларга ўз маблағлари ҳисобидан узоқ муддатли кредитлар ҳам ажратмоқда. Аслини айтганда, кредитларнинг мана шундай узоқ муддатлилиги ҳам мижозлар учун ўзига хос бир имтиёз ва имкониятдир. Бундай кредитлар, асосан, фермерларга ўзлари учун зарур қишлоқ хўжалик техникалари ва эҳтиёт қисмларини харид қилиши учун сарфланмоқда. 2007 йилда худди шундай мақсадлар учун 66 миллиард сўм ҳажмидаги кредит берилди. Ушбу кредитнинг 12,5 миллиардига фермерлар 108 та дон комбайни, 10,7 миллиард сўмига 459 та ҳайдов трактори, 16,8 миллиард сўмига 897 та чопиқ трактори, 26 миллиард сўмига турли хил тиркамалар ва эҳтиёт қисмларни харид қилдилар.



Президентимиз ташаббуси билан сўнгги йилларда Agrominitech Expo кўргазма-савдолари ташкил этиб борилмоқда. Ушбу кўргазма-савдоларида "Пахтабанк" мижозлари бўлган фермер хўжаликлари ҳам иштирок этишиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш минитехнологияларини олиб келиш учун шартномалар имзолашди. Ҳозирги кунга қадар Agrominitech Expo-2007 кўргазма-савдоларида фермер хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш (мева-сабзавот қуритиш ва қадоқлаш, сутни қайта ишлаш ва ҳ.к.) мақсадида ишлаб чиқилган 672,4 миллион сўмликдан ортиқроқ 99 та лойиҳа молиялаштириб берилди.

Булардан ташқари, Agrominitech Expo-2007 кўргазма-савдоларида қишлоқ хўжалик техникалари учун имзоланган 1974,9 миллион сўмлик шартномалар ҳам молиялаштирилди. 2008 йилда Agrominitech Expo кўргазма-савдосида имзоланган шартномалар ҳам молиялаштирилмоқда.

Банк қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш учун барча манбалардан, шу жумладан, чет эл кредит йўналишларидан самарали фойдаланаяпти.

2007 йилнинг инвестиция дастурига кўра, Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт банкининг "Қишлоқ хўжалик корхоналарини қўллаб-қувватлаш" ҳамда Осиё Тараққиёт банкининг "Дон экинлари ҳосилдорлигини ошириш" ва "Аму-Занг машина канали тизимини тиклаш" лойиҳалари иштирокида қишлоқ хўжалик корхоналари ва уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотларга кредитлар ажратилди. Республика Молия вазирлиги, ижрочи агентликлар ҳамда "Пахтабанк" ўртасида тузилган қайта кредитлаш шартномаларига биноан, 5 миллион 525 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди. Кредит олган 193 нафар мижоз 327 та қишлоқ хўжалик техникаси ва агрегати, шу жумладан, Германиянинг "Класс" компанияси ишлаб чиқарган 7 та "Доминатор-130" русумли дон комбайни ва Япониянинг 7 та "ХИТАЧИ" экскаваторини харид қилди.

Жорий йил учун мўлжалланган инвестиция дастурининг ижросига ҳам "Пахтабанк" имкон қадар салмоқли ҳисса қўшишни режалаштирган. Шу мақсадда банк жами 2 миллион 979 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратди. Бу маблағ, жумладан, Осиё Тараққиёт банкининг "Дон экинлари ҳосилдорлигини ошириш" лойиҳасига 1 миллион 974 минг АҚШ доллари, "Аму-Занг машина канали тизимини тиклаш" лойиҳаси учун 1 миллион 5 минг АҚШ доллари миқдорида тақсимланди.

Банк — Осиё, Тинч океани қишлоқ хўжалигини кредитлаш ассоциацияси (АПРАКА) ҳамда Қишлоқ хўжалигини кредитлаш халқаро конфедерацияси (КИКА)нинг ҳам тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади. 2006 йил охирида пойтахтимизда ана шу халқаро молиявий ташкилотларнинг тадқиқот ўтказиш тузилмалари директорлари семинар ташкил этди. Ушбу семинарда "Пахтабанк" томонидан фермер хўжаликларига берилаётган имтиёзли кредитлар мамлакат қишлоқ хўжалиги ривожида муҳим омил бўлаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

## Кичик бизнесга самарали кредитлар

Мамлакатимизда йил сайин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни муттасил ривожлантириб боришга кенг йўл очилаяпти. Бу ислоҳот йўналишига "Пахтабанк" ўз кредитлари билан самарали ҳисса қўшмоқда.

Ҳозирги кунда ушбу банк ва унинг филиаллари хизмат кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари сони 115 мингга яқинлашиб қолди. 2008 йилнинг олти ойи давомида "Пахтабанк" уларга ўз маблағлари ҳисобидан 25 миллиард 300 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратишни режалаштирган эди. Бугунга келиб, хусусий тадбиркорларга тааллуқли 18072 та лойиҳа молиялаштирилди ва шу мақсадлар учун берилган кредитларнинг умумий миқдори 35 миллиард 55 миллион сўмга етди.

Бу кредитлар қандай самара бермоқда? Буни қуйидаги рақамлар ўзида яхши ифодалайди: йил давомида банк кредитлари ҳисобидан яратилган иш ўринлари сони 12 минг 969 тага кўпайди. Кредитлар эвазига ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 30 миллиард 990 миллион сўм қўшимча даромад келтирди.

Банк Президентимизнинг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2006 йилнинг 23 мартдаги қарори ижросини таъминлашга ҳам салмоқли ҳисса қўшди. Жорий йилнинг олти ойи мобайнида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 3 миллиард 329 миллион сўм, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 1 миллиард 296 миллион сўм, жами 4 миллиард 625 миллион сўм кредит ажратилиб, белгиланган кўрсаткич 120 фоиздан ошириб бажарилди. Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришга қаратилган банк кредитлари самара бериб, бугун қишлоқларимизда қорамол боқиш билан банд бўлганлар фуқаролар сони анча ошди.

Шунингдек, банк Президентимизнинг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг ана шу Фармон ижросини таъминлаш чора-тадбирларига доир қарори ижросини таъминлаб бориб, республикада тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш юзасидан бир қатор ишларни амалга оширди. Ҳозирги кунда "Пахтабанк" тизимида 12761 нафар тадбиркор аёл ўз ҳисоб рақамини очиб, фаолият юритиб келмоқда. Шундай мақсадлар учун банк томонидан 2007 йилда 9 миллиард 894 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

"Пахтабанк" халқаро молия институтлари кредит йўналишлари ҳисобидан ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига катта мадад кўрсатмоқда. Чунончи, Германиянинг "КФВ" банки кредит йўналишининг 4,2 миллион евро миқдоридаги маблағи ҳисобига 6 та лойиҳа, Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки кредит йўналишининг 11,8 миллион АҚШ доллари эвазига 17 та ҳамда Осиё Тараққиёт банки кредит йўналишининг 14,9 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги маблағи манбаида 17 та лойиҳа молиялаштирилди.



Банк, айни пайтда, кичик бизнес корхоналарини модернизациялаштиришга қаратилган кредитлар миқдорини ҳам кўпайтираяпти. Чунончи, "Бухоро Гилам" Ўзбекистон — Британия қўшма корхонаси банкнинг модернизациялаштириш мақсадига йўналтирилган 1,2 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредитига мушарраф бўлди. Маҳаллий хом ашёдан импорт ўрнини босувчи макарон маҳсулотлари чиқаришга ихтисослаштирилган "Тўхтаниёз ота" фермер хўжалигига эса, реконструкция мақсади учун банк томонидан 103,6 минг АҚШ долларилик кредит ажратилди.

Германиянинг "Ландес" ва "Хипоферайнс" банклари билан тузилган яна бир битимга асосан, "Ройсон вайт гудс" қўшма корхонасига — экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи кир ювиш машинаси ҳамда музлаткичлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган лойиҳаси учун — "Хипоферайнс" банкининг кредит йўналишидан 3 миллион евро миқдорида маблағ ажратилди.

Умуман олганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг банк томонидан хорижий кредит йўналишлари ва ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган инвестиция лойиҳалари сони 51 тага етди. Натижа эса қувонарли: ҳозирги кунда ушбу лойиҳалар амалга оширилган корхоналарда йилига 10,1 миллиард сўмлик импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда, бу корхоналарда 1654 та қўшимча иш ўринлари яратилди.

Маълумки, кучли ижтимоий сиёсат — мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг устувор жиҳатларидан бири. Агар "Пахтабанк" фаолиятига назар ташласак, халқни ижтимоий ҳимоялаш анча самарали ва фаол шаклларда намоён бўлаётганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Ахир фермерларга, кичик бизнес субъектларига, хусусий тадбиркорларга ўз ишини ривожлантиришлари учун "Пахтабанк" томонидан кўрсатилаётган молиявий кўмак, турли хил кредитлар — булар ижтимоий ҳимоянинг энг фаол ва тараққиётимиз учун ғоятда фойдали шакллари-ку?! Иши оёққа босиб кетган тадбиркор бу борада ўз вақтида ўзига энг зарур мададни кўрсатган банкдан бир умрга миннатдор бўлади. "Пахтабанк" ана шундай ҳимматли банклардан биридир.

Банкнинг хайрли хизматларидан яна бири шуки, у халқимизнинг ёш авлоди эҳтиёжи ва масъулиятларига ҳам ҳар тарафлама мададкор бўлиб келяпти. 2007 йилда Президентимизнинг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. "Пахтабанк" Юртбошимизнинг ушбу ғоятда олижаноб мазмун-моҳиятли фармонидаги вазифалар ижросига биринчилардан бўлиб киришган банкларимиздан биридир. Ўтган йили банк ва унинг жойлардаги филиаллари томонидан ёшларга истеъмол талаб-эҳтиёжлари учун, шу билан бирга, ёш оилаларнинг шинам уй-жойларга эҳтиёжларини имкон қадар тўлароқ таъминлаш мақсадида жами 23 миллиард 992 млн. сўмликдан зиёд истеъмол ва ипотека кредитлари ажратилди. Шу жумладан, республика Адлия вазирлигида рўйхатга олинган "Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли кредитлар бериш тартиби тўғрисида"ги Низомга биноан, юзлаб ёш оилалар 1 миллиард 85,5 миллион сўм миқдорида микрокредитлар билан таъминланди.

"Пахтабанк" аҳолининг барча қатламларига кўрсатилаётган намунали молиявий хизматлари билан элимизда каттаю кичикнинг ишончини тобора чуқурроқ қозонмоқда.

## Аҳолига хизмат ривожланмоқда

«Пахтабанк», молиявий фаолияти ривожлангани сайин, аҳолига хизматнинг янги-янги турларини таклиф этмоқда. Жумладан, кейинги йилларда ушбу молия муассасасида халқимизнинг озиқ-овқат ва бошқа халқ истеъмол молларига бўлган талабини кенгроқ қондириш, қишлоқ шароитида маиший хизмат турларини равнақ топтиришни кредитлаш борасида бир қатор хайрли ишлар бажарилмоқда. Масалан, янги савдо шохобчаларини ташкил этиш, фаолият юритаётган савдо корхоналарини озиқ-овқат ва бошқа турдаги халқ истеъмоли моллари билан тўлдириш учун «Пахтабанк» томонидан тадбиркорларга тобора салмоқли ҳажмларда молиявий кўмак бериб келинмоқда. Жорий йилнинг олти ойи давомида банк филиаллари савдо корхоналарига ажратган кредитлар миқдори ўтган йилнинг шу пайтдагига нисбатан 2,5 баробарга ўсди. Пировардида, «Пахтабанк» мижозлари бўлмиш савдо ташкилотларининг пештахталарида маҳсулот тури кўпайиб бормоқда, шунга яраша нақд пул тушуми ойдан-ойга ошмоқда.

Шу билан бирга, банк, асосан, қишлоқ жойларда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш маҳсулотларига ҳам кўплаб кредитлар ажратаяпти. Бу борада амалга ошираётган ишлар самарасини аниқ мисоллар орқали кўришимиз мумкин.

— Биз «Пахтабанк»дан 10 миллион сўм имтиёзли кредит олган эдик, — дейди Олтинсой туманида фаолият юритадиган «Хўжасоат ирмоғи» хусусий корхонаси раҳбари Раҳмат Ортиқов. — Банкдан олган кредитимиз ҳисобидан 6 та янги иш ўрни яратилди. Ҳозирда қишлоқ аҳолисига сартарошлик ва тикувчилик хизматларини кўрсатмоқдамиз. Ўтган вақт мобайнида корхонамизда 2 миллион сўмдан кўпроқ пул айланмасига эришилди ва банкка кўпроқ пул топширилаяпти.

Дарҳақиқат, «Пахтабанк» тобора республикамизнинг энг чекка қишлоқларигача кириб бормоқда. Қишлоқ жойлардаги аҳолини иш билан таъминлаш, фаровонлигини оширишга ўз ҳиссасини қўшиб келаётир.

Мазкур хайрли ишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Нақд пул маблағларини жалб қилиш ва унга бўлган эҳтиёжни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилмоқда.

* * *

"**П**ахтабанк" таркибий-ташкилий тузилмаси йил сайин такомиллашиб, иқтисодий салоҳияти тўхтовсиз мустаҳкамланиб бораётган молия муассасаларидан биридир. Ушбу банк жойларда замонавий техника ва технология билан жиҳозланган корхоналарни барпо этиш, мавжудларини реконструкция қилиш, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳалари ҳамда касаначиликни ривожлантириш мақсадларига мунтазам равишда етарли миқдорда маблағлар ажратиш орқали мамлакатимиз иқтисодиётини янада мустаҳкамлаш ва халқимиз турмуш даражасининг муттасил фаровонлашиб боришига тобора самарали хизмат қилаверади.

**Михли САФАРОВ тайёрлади.**

***Йўл қурмоқ — савоб, дейдилар. Бундай хайрли ишга бош қўшган кишилар эса эл-юртда олқиш олиб, кексалар томонидан доимо алқанади. Бу бежиз эмас. Чунки йўллар одамлар манзилини яқин қилиш, коммуникацияни ривожлантириш, бир сўз билан айтганда, мамлакат аҳолиси турмушини фаровонлаштиришда беқиёс аҳамиятга эга. Мустақиллик йилларида мавжуд йўлларни жаҳон андозалари даражасида қайта таъмирлаш, янгиларини бунёд этишга алоҳида эътибор қаратилишидан кўзланган мақсад шудир, аслида. Айни пайтда қурилиши жадал олиб борилаётган “Алмати — Бишкек — Тошкент — Термиз” йўлини соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг давоми, дейиш мумкин.***

# ЙЎЛ ҚУРГАННИНГ ЙЎЛИ ОЙДИН

Халқаро аҳамиятга молик ушбу йўлнинг вилоят ҳудудидаги қисмини бунёд этишни тендерда қатнашган бир қатор корхоналар ичидан Шеробод йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонаси қўлга киритди. Корхонанинг 100 кишилик аҳил жамоаси 5 миллиард 876 миллион сўмлик йўл қурилиши ишларини тез ва сифатли бажариш ниятида мавжуд имкониятларни ишга солишган.

Бугунга қадар йўлсозлар тупроқ, портлатиш, бурғулаш, шағал қуйиш каби жами 2 миллиард сўмга яқин қурилиш-монтаж ишларини амалга оширдилар. Ҳозирда халқаро автомагистралнинг “Бойсун — Шеробод” йўлидаги 1385-1395-километрларини қуриш жадал олиб борилмоқда. Бунда ишчи-хизматчилар вахта усулини қўллаб, туну кун меҳнат қилишмоқда. Асфальт ёткизиш, йўл четларига тўсиқлар қўйиш, йўл белгиларини ўрнатиш сингари юмушлар ана шулар жумласидандир. Ишчиларнинг меҳнат қилишлари учун барча шароитлар яратилиб, уларни ижтимоий муҳофазалашга жиддий эътибор қаратилаётгани ҳам иш суръатининг ошишига хизмат қилаётир.



▼ Бунёдкорлик

— Асфальтни узоқдан ташиб келаётганимиз айрим муаммоларни пайдо қилган эди, — дейди корхона раҳбари Нортожи Абдулаҳадов. — Унинг ҳам йўлини топдик. Қўшни тумандаги тўхтаб қолган ана шундай носоз заводни иш жойига яқин масофага ўрнатиб, ишга туширдик. Бу ҳар томонлама фойдали бўлди. Энг муҳими, корхонамизда анча маблағ тежалиб, иш унуми ошди. Негаки, ҳозир асфальт маҳаллий хом ашёдан шу ернинг ўзида тайёрланаяпти.

Маълумки, “Бойсун — Шеробод” йўналиши тоғли ҳудудларни кесиб ўтган бўлиб, йўл ёқалаб Дарбанд дарёси ва бошқа бир қанча сой ўзанлари жойлашган. Йўлсозлар бунёдкорликда масаланинг мана шундай нозик жиҳатларини ҳам эътибордан четдан қолдиришмаяпти. Яъни, сел сувларини ўтказиб юборувчи қувурлар ўрнатилмоқда. Шу тариқа паст-баланд, ўнқир-чўнқир айланма йўллар бир хил текисликка келтирилиб, равон йўл барпо этилаётир. Табиийки, бу осон кечмаяпти. Айниқса, туманга кираверишдаги дарё оқимини бир оз ўзгартириб, қўшимча йўллар қуриш бунёдкорлардан анча меҳнат ва матонат талаб қилмоқда.

Айни пайтда корхона ишчи-хизматчилари тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда иш олиб боришаётир. Тупроқ ишлари, шағал ва асфальт ётқизиш, йўлнинг асосини яхши ҳолатга келтириш юмушларида Алламурод Жўраев, Йўлдош Холматов, Алишер Аминов, Дилмурод Назаров, Абдушукур Баратов сингари механизаторлар 20 дан ортиқ қудратли техникалар ёрдамида ғайрат-шижоат кўрсатиб, меҳнат қилмоқдалар.

— Давлатимиз раҳбари 2006 йил 20 декабрда имзолаган «2007-2010 йилларда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қурилишини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мамлакатимиз йўл хўжалигини яқин ва узоқ истиқболда ривожлантириш стратегиясини белгилаб берди, — дейди Н. Абдулаҳадов. — Шу мақсадда кўплаб маблағ ажратилиб, улкан бунёдкорлик ишлари бажарилмоқда. Биргина “Алмати — Бишкек — Тошкент — Термиз” йўлининг 10 километрлик масофадаги қисмини созлаш учун 6 миллиард сўмга яқин маблағ йўналтирилгани ҳам иш кўлами нечоғли улкан эканини тасдиқлайди. Бундан ташқари, “Дарбанд — Термиз” йўналишидаги 150 километрлик йўл, “Тошкент — Термиз” катта ўзбек трактининг Бойсун туманидан вилоят марказигача бўлган қисмлари ўзгача қиёфа касб этди. Корхонамиз жамоаси халқаро аҳамиятга эга бўлган мазкур йўлни Мустақиллик байрамигача ишга тушириш мақсадида куч-ғайрат билан меҳнат қилишмоқда. Бу халқимизга биз, қурувчиларнинг байрам туҳфаси бўлади.

**Абди ҚОДИРОВ.**

# ҲУЖЖАТЛАРДА МУҲРЛАНГАН ТАРИХ

***Ўтмишсиз келажак бўлмайди. Халқ орасида кенг тарқалган ва тарихнавис олимлар даврасида бот-бот тилга олинадиган бу иборанинг мазмуни бугун ҳаммага таниш, архив ходимлари учун эса асосий тамойил, кундалик иш.***

— Мустақиллик йилларида бизнинг соҳага эътибор кучайди, — дейди Қашқадарё вилояти архив иши бошқармасининг бошлиғи Абдурашид Бўтаев. — Архив ходимларининг масъулияти ҳам ошди. Ҳужжатлар билан ишлаш, уларни сақлашга ёндашув ўзгарди. Ҳозир вилоятдаги 20 та архив муассасасида 200 киши меҳнат қилаяпти. Уларнинг асосий қисми соҳада кўп йиллар ишлаб, катта тажриба тўплаган мутахассислар, архив ишининг чинакам жонкуярлари ҳисобланади. Давлат архивининг етакчи мутахассиси С. Пак, жамғарма сақловчиси И. Сағдиева, Қамаши, Шаҳрисабз, Ғузор филиалларининг раҳбарлари Р. Ўсаров, Ҳ. Ваҳобов, Шаҳрисабз туман давлат архиви ходими Г. Жабборова шулар жумласидандир.

Бошқарма бошлиғи гапни энг яхши ходимлар, уларнинг фидойилигидан бошлагани бежиз эмас. Улар қўлига вилоятнинг тарихи, бу ерда истиқомат қилаётган кишиларнинг ҳаммаси ва ҳар бирига тааллуқли бўлган қимматли ҳужжатлар ишониб топширилган. Бу ҳужжатлар фақат сақланибгина қолмасдан, тартибга солиниб, излаб топиш учун қулай ҳолатга келтирилган.

Вилоят давлат архиви ва унинг филиалларидаги 1956 жамғармада 197 мингдан ортиқ йиғма жилд, шахсий таркиб архивларидаги 2027 минг жамғармада 715 йиғма жилд мавжуд. Уларнинг ҳар бири картотекада алоҳида ҳисобда туради. Шу ҳужжатлар асосида бир йилнинг ўзида фуқароларнинг 17 мингдан ортиқ сўровларига жавоб қайтарилди.

Архив ҳужжатларини сақлашнинг ўзига хос жиҳатлари бор. Энг муҳим талаб — ҳавонинг мўътадиллиги. Қишин-ёзин бир хил иқлим шароитини яратиш учун ҳужжатларни сақлаш хоналарига кондиционерлар, шамоллатгичлар ўрнатилган. Айниқса, вилоят архив иши бошқармаси, Шаҳрисабз, Қарши ва Қамаши туманларидаги давлат архивлари учун қурилган янги биноларда ҳужжатларни сақлаш ва ишлов бериш учун яхши шароит яратилган. Вилоятдаги барча архив муассасалари компьютерлаштирилиб, ягона тизимга уланган.

Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги муносабати билан вилоят давлат архивида мўъжазгина кўргазма зали ташкил этилган эди. Унда намойиш қилинаётган ҳужжатларда нафақат кўҳна ва навқирон Насафнинг, балки бутун вилоятнинг ўтмиши ўз аксини топган. Кўргазма архив иши

▼ Архив

соҳасида янгилик бўлиб, бу ерга келаётган тарихчи олимлар, талаба ва ўқувчилар, ҳар бир фуқарода катта қизиқиш уйғотаяпти. Бундан ташқари, тарихчи олимларнинг архив ҳужжатларини ўрганиш соҳасидаги кўп йиллик меҳнати натижасида Бухоро амирлиги билан чор Россияси идоралари ўртасида Қарши чўлини ўзлаштириш ҳақидаги ёзишмалар китоб ҳолига келтирилди.

Вилоятда архив ишини ташкил қилиш соҳасида тўпланган тажриба мамлакат миқёсида эътиборга сазовор бўлмоқда. Ўтган йили бу ерда «Архив ҳужжатларининг сақловини таъминлаш, улардан фойдаланиш ва архив ходимларини тайёрлашнинг долзарб масалалари» мавзуида республика илмий-амалий семинари ўтказилганлиги ҳам шундан далолат бериб турибди. Бошқарма бошлиғи Абдурашид Бўтаев Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб, Австрия, Япония, Франция, Греция каби 30 дан ортиқ давлатлар архив ходимлари иштирокидаги катта тадбирда қатнашди. Россия Федерал архив хизмати раҳбари Б. Козлов, Эрмитаж директори М. Пиотровский, Халқаро архивлар кенгаши президенти доктор Лоренц Миколецки билан мулоқотлар, айниқса, фойдали бўлди. Айни пайтда у Санкт-Петербургда янгидан ишга туширилган Россия давлат тарихи архивида кўрганларини, тажриба алмашиш чоғида эшитганларини амалда қўллаш ниятида изланмоқда.

Бугун вилоят архив ходимларини ташвишлантираётган масалалар ҳам йўқ эмас. Муаммонинг бир томони соҳа ходимларининг ўзига боғлиқ. Бу — кадрларнинг малакасини ошириш, эскириб бораётган ҳужжатларни тиклаш ва консервациялаш, таъмирлаш ишларига замонавий усулларни жорий этиш, архив ҳужжатларининг электрон нусхасини яратишдан иборат.

— Ишни такомиллаштириш бўйича кенг кўламли тадбирларни белгилаб олганмиз, — дейди А.Бўтаев. — Уларни босқичма-босқич амалга ошираяпмиз. Лекин муаммонинг бизга боғлиқ бўлмаган қисми борки, бу ҳақда тўхталиб ўтмаслик мумкин эмас. Бу — меҳнат жамоаларининг шахсий таркибига оид ҳужжатлардир. Амалдаги қонунларга кўра, корхона, ташкилот, муассаса, тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликларида бу ҳужжатлар тўғри, аниқ юритилиши ҳамда белгиланган муддатларда архивга топширилиши керак. Бироқ айрим раҳбарларнинг масъулиятсизлиги туфайли мазкур ҳужжатлар ташкилотларнинг ўзида қолиб, кейинчалик йўқолиб кетмоқда. Бу ҳол, айниқса, тугатилаётган ташкилотларда кўп учрайди. Натижада уларда меҳнат қилган фуқаролар зарур бўлганда иш стажи, меҳнат ҳақи, эгаллаган лавозимлари ҳақидаги маълумотларни олиш имкониятидан маҳрум бўладилар. Биз бундай ҳоллар юз бермаслиги учун раҳбарлар ва ҳужжатлар билан ишловчи ходимлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бораяпмиз. Чунки бу ҳужжатлар йўқолса, ҳеч қаердан топилмайди, қайта ёзиб ҳам бўлмайди. Архивга топширилмаган ҳар бир ҳужжат тарихимизнинг тиклаб бўлмайдиган қора нуқтаси бўлиб қолади.

Ҳа, архивлар — тарих кўзгуси. Уларда сақланаётган ҳужжатларда халқимизнинг ўтмиши ўзининг аниқ ифодасини топган. Архив соҳасида меҳнат қилаётган кишилар эса бу тарихнинг чинакам посбонларидир.

**Н. БЎРИЕВ.**


## «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган
очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2008 йил 12 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 20 февралдаги ЖСК-1-479/2007-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Қатортол кўчасида жойлашган, фойдали майдони 2022,43 кв.м. бўлган «Сундус» ҚКнинг мажмуаси қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 4 494 270 000 сўм.*

Кўчмас мулк билан шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБнинг АТ «Ипотекабанк»и Собир Раҳимов филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452105, МФО 00901, ИНН 200933850.

**Манзил: Тошкент ш., Сомбир Раҳимов тумани, М. Ўрозбоев к., 1-«А» уй.
Телефон: 228-79-52. www.rkmb.uz** Лицензия: DB 001 № 000004.


***Муҳтарам газетхон! Газетамизнинг ушбу сонидаги қўшсаҳифа бепул илова қилинмоқда.***


**Европа ва Осиё мамлакатларидан пластмассани қайта ишлаш, пластмасса маҳсулотлари ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳамда қадоқлаш ускуналари ва технологиялари:**



- етказиб бериш;
- ўрнатиб бериш;
- ишга тушириш;
- бир йил давомида техник хизмат кўрсатиш.





**«POLIMER GROUP ASIA»**

**Телефонлар: +99871 262-51-09, +99890 316-12-53, 327-97-28.**

**Web: www.powerglob.com**
**e-mail: info@powerglob.com**



## Республика Кўчмас мулк биржаси Фарғона вилояти филиали

нархлари ошиб бориш тартибида ўтказиладиган
очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Фарғона вилояти хўжалик судининг 2005 йил 15 апрелдаги 15-05-04/14954-сонли ижро ҳужжатига асосан, Фарғона вилояти Қувасой шаҳар суд ижрочилари томонидан хатланган, Қувасой шаҳри, Тожик-Муян қишлоғида жойлашган «Delkonc» қўшма корхонаси ва «Delkonc Maeстro» унитар корхонасига қарашли қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда:

1. «Delkonc» қўшма корхонаси ва «Delkonc Maectro» унитар корхонасига қарашли бино-иншоотлар. *Бошланғич баҳоси — 2 223 199 000 сўм.*
2. Ишлаб чиқариш линиялари ва ускуналари. *Бошланғич баҳоси — 1 753 355 000 сўм.*
3. Автотранспорт воситалари ва техникалари. *Бошланғич баҳоси — 135 778 000 сўм.*
4. Бошқа турдаги моддий бойликлар ва инвентарлар. *Бошланғич баҳоси — 401 937 000 сўм.*

***Мажмуанинг умумий бошланғич баҳоси — 4 514 269 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2008 йил 7 август куни соат 11.00 да Фарғона шаҳри, М. Қосимова кўчаси, 35-уйда ўтказилади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода иштирок этиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Фарғона вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000700571452023, «Халқ банки» амалиёт бўлими, МФО 00497, ИНН 200933850.

**Қўшимча маълумотлар учун телефон: (8-373) 224-68-70.** Лицензия: DB 001 № 000004.



ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

## «Азия-Чем» ҚК

**кредиторлари мажлиси қарори ва Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, корхона тугатув бошқаруви сизларни**
**очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

**Савдолар 2008 йил 12, 14, 15, 18, 20 август кунлари** соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 10-уйда (4-қават) бўлиб ўтади.

* *Очиқ аукцион савдоларига «Азия-Чем» ҚКнинг мулкий мажмуаси қўйилади.*
* *Мулкий мажмуанинг бошланғич баҳоси — 2 002 043 839 сўм.*

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги харидорлар объект бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлашлари шарт.

Закалат пули «Hamkorlik Mulksavdoservis» МЧЖнинг Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани бўлимидаги 2020 8000 1045 9729 8001 ҳисоб рақамига ўтказилади, МФО 00876, СТИР 300 357 575.

Аукцион савдосидан сўнг ғолиб харидор ва тугатиш бошқарувчиси ўртасида тузиладиган олди-сотди шартномаси савдо натижаларига кўра ўн кунлик муддат ичида тузилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 110-моддаси ва «Азия-Чем» ҚК кредиторлари мажлиси қарорига кўра, сотиб олинган мулк учун тўлов муддатини 12 ойгача узайтириб бериш эҳтимоли мавжуд.

**Очиқ аукцион савдоларида иштирок этиш ниятида бўлган харидорлар савдо ташкилотчисига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

- *ариза ва закалат тўғрисидаги келишув (юридик ва жисмоний шахслардан);*
- *юридик шахслардан — корхона гувоҳномаси ва уставидан нусхалар;*
- *савдоларда иштирок этадиган ишончли вакиллар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, паспорт нусхаси;*
- *савдо ташкилотчиси ҳисоб рақамига закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;*
- *жисмоний шахслар учун паспорт асли ва нусхаси, тўлов ҳужжатлари.*

**Сизларни қизиқтирадиган қўшимча маълумотлар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин.**

**Тугатиш бошқаруви — Тошкент шаҳри, У. Юсупов кўчаси, 1-«А» уй, Тошкент ш., Бектемир тумани, Ҳ. Бойқаро к., 35-уй. Телефонлар: (998 71) 296-86-81, 335-49-62.**

**Савдо ташкилотчиси — «Hamkorlik Mulksavdoservis» МЧЖ, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 10-уй, 4-қават. Телефон: 241-43-97, факс: 241-58-80.**



SONATA

Ўз йўлингни танла!



Drive your way

КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ.

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

EURO2008 HYUNDAI Official Partner Tel. 250-11-11

MIKROKREDITBANK

**Мана, ўн икки йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун фермерлар, ҳунармандлар, касаначилар — барча тадбиркорлар ўртасида «Ташаббус» кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. Бу давр мобайнида халқимизнинг оғирини енгил қилиш, эҳтиёжларини қондириш учун ишлаётган юзлаб ишбилармонлар кашф этилди. Кейинги йиллардаги кўрик-танловларга энг яхши молиявий муассасалар ҳам киритилаётгани қувонарли ҳолдир. Чунки банклар тадбиркорликнинг моддий таянчига айланмоқда.**

**«Ташаббус — 2008» кўрик-танловида «Микрокредитбанк»нинг Қорақалпоғистон Республикаси филиали «Энг яхши молия муассасаси» номига сазовор бўлди. Банк филиалида олиб борилаётган ишлар тўғрисида филиал раҳбари Дилбар Хўжаниёзовага бир неча саволлар билан мурожаат этдик.**

# ОҚИЛОНА ТАКЛИФЛАРГА — ИМТИЁЗЛИ МИКРОСАРМОЯЛАР

**— Дилбар Минажатдиновна, «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки Қорақалпоғистон Республикасида аҳолига қандай банк хизматлари кўрсатмоқда?**

— Аввало шуни айтиш керакки, банкимизнинг асосий мақсади тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш. Яна аниқроқ айтадиган бўлсак, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, фермерликнинг тараққий этишига ёрдам бериш, оилавий бизнесни ташкил этган, касаначиликни йўлга қўяётган ва ҳатто якка тартибда фаолият юрита бошлаган ишбилармонларга моддий кўмак бериш, уларнинг эзгу тилакларини, яратувчилик борасидаги режаларини рўёбга чиқаришга кўмаклашишдир. Биз фаолиятимиз доирасини бирмунча кенгроқ кўламда олиб борамиз. Яъни, мамлакатимизнинг турли кенгликларидаги мавжуд табиий ресурсни ишга тушириш ва бу ердаги аҳоли кенг табақаларининг микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлиши учун узоқ қишлоқлар, овуллар ва аҳоли пунктларида тадбиркорлар билан ҳамкорлик қиламиз.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, «Микрокредитбанк» ўзининг 3 та бўлими, 29 та минибанки ва 3 та агентлиги билан Қорақалпоғистон Республикасининг барча аҳоли пунктларини қамраб олган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонида мамлакатимиздаги ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳиссасини кўпайтиришга моддий ёрдам бериш учун истиқболга мўлжалланган барча чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Биз ана шу режаларни амалга ошириш учун имкон қадар ҳаракат қилаётганимиздан мамнунмиз.

**— Банк иш бошлаганидан кейинги даврдаги илк қадамларини қандай хотирлайсиз?**

— Бизнинг дастлабки асосий тадбиримиз — ишбилармонлар, тўғрироғи, бўлғуси тадбиркорлар билан мулоқотдан иборат бўлди. Дастлаб, қишлоқ, овулларга йўл олдик ва қўлидан иш келадиган, ишончли касби, ҳунари, қалбида ғайрати бўлган кишилар билан учрашувлар ўтказилди. Бу ишда бизга Ўзбекистон Республикаси Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси каби қатор жамоатчилик ташкилотлари ва уларнинг жойлардаги бўлинмалари амалий ёрдам кўрсатди. Бундай ёрдам билан ҳар бир маҳаллага, улардаги ҳар бир хонадонга кириб бора олдик.

Ўтган икки йил тўғрисида мулоҳаза юритганда шуни тан олиш керакки, биз ишларимизни семинар ва иқтисодий ўқувлар билан бошлаб ана шундай тадбир ва мулоқотлар билан тугалладик. Тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш учун ташкил этилган янги банк эндиликда илғор тажрибалар, жаҳон банклари синовидан ўтган тамойиллар билан ишлай бошлади. Бундай тадбирлардан бири — мижозларга текин консалтинг хизматлари кўрсатиш ва уларни ўқитишдир.

Микросармоялардан оқилона фойдаланиш имкониятларини чуқур билган мижоз ўз бизнес режасини пухта ишлаб чиқади. Натижада бундай мижозларга берилган сармоялар тезроқ ва яхшироқ натижаларни бера бошлайди. Тадбиркорликни сармоялаш ишидаги энг муҳим бўғин бизнес режанинг пухталиги, ҳаётийлиги ва асослилигидир. Биз мижозлар билан учрашганда ана шундай ишларни уддалайдиган кишилар билан ҳамкорлик қилиш борасида танлов олиб борамиз. Аслида аниқ яратувчилик ишларини чуқур касб кўникмалари ва ҳунари бўлган кишилар амалга ошира олади. Бу — табиий ҳол, албатта. Сармоя тадбиркорнинг қўлига тушиши билан ҳаракатлана олиши керак. Бошқача айтганда, кредит олиниши биланоқ ишлаб чиқаришга сафарбар этилгандагина кутилган самарани беради. Бизнинг мижозлар билан олиб борган мулоқотларимиз ишларни ана шундай ташкил этишга ёрдам берди.

**— Банк ва мижознинг яратувчилик борасидаги ҳамкорлиги самаралари тўғрисида нималар дея оласиз?**

— Банк ва мижознинг ҳамкорлиги натижасини халқимиз учун яратилган ҳаётий зарур маҳсулотларнинг бунёдга келиши, деб биламиз. Биз Тўрткўлдаги «Мини-текс» корхонаси билан ҳамкорлик олиб бордик. Унинг ташкилотчиси Зуҳра опа Қаландарова ёшлигиданоқ тадбиркорлик билан шуғулланиб келган. Очиғи, опа ўзини ҳақли равишда савдогар деб билади ва бу билан фахрланади. Банкимиз билан ҳамкорлик унга анчагина жиддий ишларга киришиш имконини берди. Ташландиқ бинони олиб уни таъмирлаган Зуҳра опа кичкинагина тўқимачилик цехи очди. Аввало, ип йигиришни йўлга қўйди, кейин бўз тўқишга ўтди, сўнгра кичик корхона ўзимизнинг пахтамиздан жинси материаллари ишлаб чиқара бошлади. Ҳозир эса «Мини-текс»дан саноат ва хўжалик учун жуда зарур бўладиган брезентлар ва докалар ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Муҳими кредитлар ўз вақтидан олдин қайтарилаяпти ва ишонч асосида янги кредитлар берилмоқда.

**▼ Банк тизими**

Либослар устаси Замира Каипова ўз ҳунари шарофати билан ногирон қизларни ишга жалб этишга жазм қилди. Кичик корхона очиб микросармоя олди ва чеварликда ўзгаларни ортда қолдирадиган жисмоний имкониятлари чекланган беш нафар қизалоқни танлаб, ишга таклиф этди. Аввалига қизларга ўзбек ва қорақалпоқ халқи кашталарини тикиш бўйича дарс ва амалий машғулотлар ўтказилди. Бу касаначилик Кегейли туманида йўлга қўйилди. Чевар қизалоқлар бир оз муддат устозлари назоратида ишлаганларидан сўнг, ишни уйда бажарадиган бўлдилар. Чеварлар амалга ошираётган ишларни тасаввур қилиш учун шундай бир мисолни тилга олиб ўтиш жоиз. Қора ёки тўқ кўк рангдаги духоба дўппи чеварга топширилади. Қайтиб олинганда, моҳирлик билан халқ нақшлари зарб этилган бош кийими чинакамига бадиий асарга айланади. Чеварлар дафтар-китоб ва бошқа буюмларнинг ғилофларига, аёлларнинг сумкалари ва ҳамёнларга ана шундай бетакрор гул тикадилар. Касаначилар кашта зарб этиб топшираётган буюмларни кўздан кечирганда улар жаҳон бозорида ҳам муносиб баҳосини олишига ишонч ҳосил қиласиз. Мана шу ҳолнинг ўзи касаначиликнинг эртаси умидли эканидан далолат беради.

**— Бундай хайрли ишларни амалга ошираётган мижозлар сони ва салмоғи тўғрисида нималар дея оласиз?**

— «Микрокредитбанк» ташкил топганидан буён ҳали унчалик кўп вақт ўтган бўлмаса-да, мазкур микросармоя ташкилоти кўплаб йўналишларда тадбиркорларнинг яқин кўмакчисига айланиб улгурди. Уларга ажратиладиган моддий кўмак — имтиёзли кредитлар эвазига манфаатдорликлари ортиб, бундай мижозларнинг аксарияти республикамиздаги етакчи ишлаб чиқарувчи корхона ёки хусусий тадбиркорга айланмоқда. Масалан, Нукус шаҳридаги «Абдурашид Нукус» масъулияти чекланган жамият, «Тўмарис Нан» кўп тармоқли хусусий фирма, Тўрткўл туманидаги «Тўрткўллик Исмаил богмон» кўп тармоқли корхона, Кегайли туманидаги «Интеграл Кегейлиши» корхонаси шу кунларда ўзларининг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари ва амалга ошираётган хизматлари билан шу ҳудудда яшаётганлар учун қадрли бўлиб қолган.

Муҳими, банкимиз кичик бизнес намояндалари ва хусусий тадбиркорлар сафига дадил кириб бормоқда. «Микрокредитбанк»нинг Қорақалпоғистон филиалидан кичик сармоялар — микрокредитлар олиб катта ишларни амалга ошираётган тадбиркорлар сони ўтган йилнинг ўзида мингдан ошиб кетди. Уларга 2008 йилнинг дастлабки 5 ойи давомида 2,5 миллиард сўмга яқин миқдорда кредитлар ажратилди. Бунинг эвазига ҳудудда 1 154 та янги ишчи ўрни яратилди. Мижозларимизнинг умумий сони эса ҳозирги кунда 3700 дан ошиб кетди.

**— Филиал шу кунларда тадбиркорликка кўмаклашиш борасида яна қандай ишларни амалга оширмоқда?**

— Ишлар кўлами тўғрисида гапирганда, аввало, Ёшлар йилида амалга ошираётган саъй-ҳаракатларимизни айтиб ўтиш ўринлидир. Республикамизда мамлакатимизнинг келажаги ҳисобланган ёшларга эътибор жуда катта. Бу ишда Президентимизнинг ўтган йили 21 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Шу боис, банкимиз, аввало, ёш оилавий тадбиркорларни қўллаб-қувватламоқда. Ёш оилалар ўзларига доимий даромад манбаларини яратишлари учун имтиёзли микрокредитлар ажратмоқда. Шунингдек, ёш оилалар учун, уларнинг тўй маросимларини ўтказишларидан тортиб, хонадонларини замонавий тарзда безаб олишларигача, ҳатто биринчи фарзанд эҳтиёжларигача ёрдам берилади, сармоялар ажратилади. Бу борада банкимиз узоқни кўзлаб иш олиб бормоқда. Банк томонидан «Ёш тадбиркорлар томонидан тақдим этилган энг яхши лойиҳа» кўрик-танлови эълон қилинган. Айни кунларда бу тадбирни ўтказаяпмиз.

**М**ен ҳозир, асосан яратувчилик ва тадбиркорлик соҳасига кўрсатаётган ишларимиз ҳақида гапирдим. Чунки бу Президентимиз томонидан зиммамизга юклатилган асосий вазифадир. Ростдан ҳам, микросармоялар бепоён мамлакатимизнинг узоқ қишлоқларига, ҳар бир оилага кириб бормоқда. Шунинг учун ҳам ҳақли равишда айтиш мумкинки, ҳар бир оилани бойитишга, фаровон яшашига хизмат қилаётган «Микрокредитбанк» мижозлар учун астойдил хизмат қилмоқда. Мижозларимизнинг талабларини қондириш учун банкимиз ташкил этилганидан бери, яъни ўтган икки йил мобайнида 6,8 млрд сўм кредит ажратди ва 3508 та янги иш ўрни яратилди. Шу билан биргаликда банкимиз Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисига барча турдаги замонавий банк хизматларини кўрсатмоқда. Биз ҳар бир хонадон учун ана шундай мадад бўлаётганимиздан мамнунмиз. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, «Микрокредитбанк» сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!

**Суҳбатни Р. РАУПОВ олиб борди.**

**«Чўлқувар» маҳалла фуқаролар йиғини жойлашган бино остонасига қадам қўйишингиз билан баҳри-дилингиз очилади. Кенг ва ёруғ хоналар, энг сўнгги русумдаги жиҳозлар — буларнинг бари маҳалла фаолларининг орзулари ушалганидан далолат.**

# «ЧЎЛҚУВАР»НИНГ ЯНГИ БИНОСИ

— Бу ерга кўчиб ўтганимизга йигирма кунча бўлди, — дейди йиғин раиси Ўктам Хайриев. — Қоровулбозор нефть-газ қидирув экспедицияси мутасаддиларидан миннатдормиз. Шу ташкилот ҳомийлигида кўриб турганингиздек кўркам, ҳавас қилгулик бинога эга бўлдик. Экспедиция мазкур объектни таъмирлаш ишига 18 миллион сўм сарфлади. Бу ерда болалар спорт майдончаси ҳам барпо этилгани айни муддао бўлди.

**▼ Маҳалла**

Биласиз, фуқаролар ўз ташвишларига ечим излаб маҳалла эшигини қоқишади. Мабодо, маҳалла фуқаролар йиғини тор, кўримсиз, таъмирталаб бинода жойлашган бўлса, оддий бир стол-стулга эҳтиёж сезса, унда остона ҳатлаб кирган киши қандай ҳолга тушади? Маҳалланинг ўзи мададга маҳтал-ку дея ҳафсаласи пир бўлмайдими? Ҳомий ташкилотнинг кўмаги мана шу жиҳати билан ҳам қадрли.

— «Чўлқувар»да кейинги йилларда ободончилик соҳасида катта ўзгаришлар бўлди, — дейди маҳалла фаолларидан бири Исмоил Раҳмонов. — Оилалар тинч ва ўзига тўқ. Биргина Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида маҳалламиздаги 287 нафар киши меҳнат қилаяпти.

Ўктам Хайриевнинг фикрича, замон жуда тезкор, бугунги кун билан яшаш кифоя бўлмай қолди. Эртани ўйлаб иш тутиш зарур.

— Шундан келиб чиқиб, оилани ижтимоий ҳимоялаш марказини ташкил этиш фикридамиз, — дейди у. — Шундай қилсак, вақтинчалик ишсиз сифатида рўйхатга олганимиз 17 нафар аёлни фойдали ижтимоий меҳнатга жалб қилиш имкони юзага келади. Шу мақсадда олтита тикув машинаси олдик. «Уста-шогирд» усулида ўқитиш ва касб-ҳунар ўрганиш орқали касаначилик меҳнатини йўлга қўямиз.

Дарвоқе, бевосита маҳалла билан боғлиқ яна бир янгилик. Фуқаролар йиғини иккита замонавий компьютер билан таъминланди. Маҳалланинг мўъжаз кутубхонаси эса 320 минг сўмлик янги адабиётлар билан бойиди.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Бепул йўлланмалар — ёшларга

***Касаба уюшмалари Тошкент вилояти Кенгаши меҳнаткашларга турли пансионат, санаторий-профилакторий ва дам олиш уйларида кўнгилли ҳордиқ чиқариб, саломатликларини тиклашлари учун яқиндан ёрдам бермоқда.***

**▼ Ҳиммат**

Йўлланмалар қийматининг олтмиш фоизи ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан қопланаётир.

Кенгаш раёсати яқинда яна бир хайрли ишга қўл урди. "Ёшлар йили" Давлат дастури асосида 37 нафар иқтидорли йигит-қизга бепул йўлланмалар ажратилди.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

***Музработ «Пахта очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти» аъзолари сўнгги йилларда етакчи тармоқларни модернизациялаш ва иш унумдорлигини оширишга хизмат қилувчи янги дастгоҳларни ўрнатишга алоҳида эътибор қаратаётганлари туфайли жамоа ўтган йилни 15 миллиард 92 миллион сўм даромад билан якунлади.***



**▼ Модернизация**

# СИФАТ ҲАМ, САЛМОҚ ҲАМ ОШДИ

**Т**опилган фойданинг бир қисми дивиденд сифатида ишчиларга тарқатилди. Корхонада фаолият кўрсатаётган ходимлар учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Жумладан, улар бепул иссиқ овқат билан таъминланган. Шунингдек, ишчи-хизматчиларнинг саломатликларини мустаҳкамлаш мақсадида сиҳатгоҳ ва санаторийларда бепул даволаниш йўлга қўйилганлиги баробарида, уларнинг фарзандлари ҳам ёз мавсумида оромгоҳларда бепул ҳордиқ чиқармоқдалар. Корхонада меҳнат қилиб, нафақага чиққан ишчилар ҳолидан мунтазам хабар олиниб, уларга моддий ёрдам ҳам кўрсатиб келинмоқда.

— Ишлаб чиқариш тармоқлари фан ва техника ютуқларига таяниб ривожлантирилмас экан, бозордан муносиб ўрин топиш қийин, — дейди жамият бошқаруви раиси Хўжаназар Абдураҳмонов, — Шунинг учун ҳам биз, биринчи навбатда, самарадорликни ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш мақсадида ишлаб чиқариш тизимини модернизация қилишга эришдик. Жумладан, корхонамизда чигитни пахтадан тозалайдиган «УХК» русумли замонавий агрегатлар ўрнатилди. Агар ўтган йили қайта ишланаётган пахтанинг 85-90 фоизи олий ва яхши навларга сотилган бўлса, янги дастгоҳлар ўрнатилгандан сўнг ишлаб чиқарилаётган маҳсулот деярли олий навда харидорларга етказиб берилмоқда.



Амалга оширилаётган бу каби ишлар иқтисодий юксалишларга ҳам туртки бўлаётир. Масалан, тола чиқиши режадаги 30 фоиз ўрнига 34 фоизни ташкил этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, тармоқнинг модернизация қилиниши эвазига толадан олинаётган ортиқча даромаддан нафақат корхона аъзолари, балки уни етиштирган деҳқонлар ҳам манфаат топишмоқда.

Ўтган йили, шу билан бирга, момиқ олиш режаси ҳам 2,1 ўрнига 3,2 фоизга уддаланди. Янги технологияларнинг чигитнинг синиб, беҳуда исроф бўлишига йўл қўймаслиги натижасида эса 8 минг 163 тонна сифатли чигит тайёрлашга эришилди. Тайёрланган маҳсулот воҳанинг Денов, шунингек, Тошкент ва Сирдарё вилоятларининг Гулистон ҳамда Янгийўл ёғ-мой корхоналарига жўнатилди.

Маълумки, Музработ туманида ҳам қишлоқ хўжалигида мулк шакли ўзгариб, аввалги ширкат хўжаликлари ўрнига фермер хўжаликлари фаолият кўрсатаяпти. Эндиликда ҳар бир ширкат хўжалиги ўрнига 55-60 та фермер хўжалиги ўзи етиштирган ҳосилни корхонага топширмоқда. Пахта тозалаш корхонаси ва унинг тасарруфидаги саккизта қабул қилиш маскани 886 нафар фермер билан алоҳида ҳисоб-китоб олиб боради.

Корхона бу йилги пахта ҳосили учун барча фермерлар билан шартнома тузган. Йил давомида уларга бўлажак ҳосил ҳисобидан бўнак пуллари бериб борилади. Шунингдек, пахта майдонлари тўрт нафар агроном кўмагида мунтазам мониторингдан ўтказиб турилибди. Фермерларнинг қайта ишлаш корхонаси билан ҳамжиҳатликдаги мазкур ҳамкорлиги эса яхши самаралар бермоқда.

— Биз илгари бу ерда тайёрланган чигитни экишдан чўчирдик, — дейди «Қўнғирот» фермер хўжалиги аъзолари. — Чунки эски технология ёрдамида тайёрланган уруғлик мавсум якунида бизга панд берарди. Мана, ўтган йили корхонада тайёрланган чигитни экиб кам бўлганимиз йўқ. Мониторинг натижалари эса бу йилги ҳосилнинг чўғи янада баланд бўлишини кўрсатмоқда.

Кейинги йилларда ғўза зараркунандаларининг ҳосилга анча жиддий зиён етказаётгани киши кўнглини хира қилаётганди. Ана шундай кезда корхонада Ангор ва вилоят «Пахтасаноат» корхоналаридаги иш услуби кенг қўлланилиб, хатар олдини олишга эришилганини алоҳида қайд этиш жоиз. Яъни, тумандаги биолабораторияларга ҳомийлик мадади кўрсатилди. Бу ерга зарур озиқ-овқат маҳсулотлари, шиша банкалар, қоғоз қоплар, совутиш ускуналари ва бошқа зарур маҳсулотлар харид қилиб берилди. Ўргимчаккана, шира ва кўсак қуртига қарши кимёвий воситалар ҳам корхона ҳисобидан сотиб олиниб, фермерларга бепул тарқатилди.

Бу йил туманда 15 минг 350 гектар ерга «Бухоро-102» ҳамда «Термиз-31» пахта навлари экилди. Деҳқонлар жорий йилда ҳам 42 минг тонналик улкан хирмон бунёд этишни режалаштиришган. Пахта тозалаш корхонаси жамоаси ана шундай шарафли жараёнда улар билан елкама-елка туриб меҳнат қилмоқда, десак муболағаси йўқ. Жумладан, янги мавсум учун 45 та шийпон ҳашарчиларга шай қилиб қўйилди. Шунингдек, 60 мингдан ортиқ этак, пахтани қабул қилиш масканларида ишлатиш ва автоуловлар устини ёпиш учун 6 мингдан зиёд шолча келтирилди. Лўнда қилиб айтганда, Музработ «Пахта очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти» аъзолари мавсумга пухта ҳозирлик кўрмоқда.

**Фахриддин ҚОДИРОВ.**

*Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан*

# ОБОД ВА КЎРКАМ

*кўчалар, хиёбонлар ва маҳаллалар дилларга чексиз қувонч бағишлайди*

***Ҳа, пойтахтимизда бу улуғ байрамни нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Негаки, бу тадбирга нафақат республикамизнинг турли ҳудудларидан, балки дунёнинг турли бурчакларидан меҳмонлар ташриф буюришади. Шунинг учун ушбу маросимга пухта тадорик кўриш ҳар бир корхона, ташкилот зиммасига ниҳоятда катта масъулият юклайди.***



**А**йниқса, Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси жамоаси байрамолди ишларига ўта масъулият билан ёндашмоқда. Айни пайтда шаҳар ва туманлар тасарруфидаги йўл ва йўлакларнинг 351,32 минг квадрат метри, кўп қаватли уй-жойларга бириктирилган даҳалар, маҳалла ичидаги йўлларнинг 377,8 минг квадрат метри мукаммал таъмирдан чиқарилди. Шу билан бирга, мавжуд йўлакчаларнинг салкам 63 минг квадрат метри жорий таъмирланди.

— Жамоамиз бу билан чекланиб қолгани йўқ, — дейди биз билан суҳбатда шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Саидумар Аглаев. — Ҳудудимиз кўркига кўрк қўшиш мақсадида мавжуд кўкаламзорлаштириш майдонларининг 2,72 гектари таъмирланди. Эрта баҳордан шу пайтга қадар 526066 дона дарахт, буталар, 6450 минг дона гул кўчатлари ўтказилиб, тўлиқ ундириб олинди. Улар шаҳримиз ҳуснига ўзгача ҳусн бағишлаши, шубҳасиз. Ўз навбатида бу ишлар туманимиз ҳудудларида ҳам кенг давом эттирилмоқда.

Шаҳарнинг кичик ҳалқа йўли бўйлаб айланамиз. С.Аглаев таъкидлаганидек, ободонлаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар Сағбон кўчаси, равон йўлларга ўзгача гўзаллик бахш этибди. Ушбу ҳудудда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида батафсил маълумот олиш мақсадида Собир Раҳимов тумани ободонлаштириш бошқармасига йўл олдик. У ерда бошқарма бошлиғи Шорустам Шоджонов ва бошқа мутахассисларнинг туманда яратилажак кичик истироҳат боғлари, гулзорлар лойиҳаси бўйича иш олиб боришаётганлиги устидан чиқдик.

— Мамлакатимиз Президентининг шу йил 2 апрелдаги «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш ва Истиқлолимизнинг 17 йиллик байрамини қизғин кутиб олиш мақсадида Сағбон кўчаси билан кичик ҳалқа айланма йўли кесишган чорраҳаси ҳамда Абдулла Қодирий, Заркайнар, Беруний, Қорасарой кўчалари ва Талабалар шаҳарчасини тўлиғича ободонлаштириш режалаштирилган, — дейди биз билан суҳбатда Ш. Шоджонов. — Булардан ташқари, Сағбон кўчаси чорраҳасини кенгайтириш ҳамда «Истиқлол» ва «Бўстон» маҳаллаларининг Сирожиддин Зиёмов кўчасидаги маҳалла маркази ва гузари ёнидан янги, замонавий йўл барпо этиш мўлжалланган.



Шунингдек, Шорустам ака туманнинг бугунги қиёфасини бундан 10-15 йил аввалги ҳолатига асло таққослаб бўлмаслигини айтди. Албатта, буларнинг барчаси, авваламбор мамлакатимиз ҳукумати, шаҳар ҳокимлиги ва мазкур жамоанинг самарали меҳнати, тинимсиз саъй-ҳаракатларининг натижасидир.

Ишонч билан айтиш лозимки, сўнгги пайтларда туманда амалга оширилаётган бундай ижобий ўзгаришлар, айниқса, ёшлар тафаккурига ўз ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Уларни доимо изланишга, интилишга, янги-янги мақсадлар сари йўналтиришга хизмат қилмоқда.

— Аммо очиғини айтишим лозимки, эришилган ютуқлар билан бирга, амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳам талайгина, — дейди у. — Шуларни ҳисобга олган ҳолда ҳудудимизнинг санитария ҳолатини янада яхшилаш мақсадида жойлардаги маҳалла раислари, фаоллари, ИИБ санитария милицияси ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш йўлга қўйилган. Аҳоли ўртасида ободончиликка оид тарғибот-ташвиқот ишлари мунтазам олиб борилмоқда. Бу хайрли ишларни бекаму кўст амалга ошириш учун бошқармамиз томонидан 3 та трактор, 8 та тиркамали прицеп, сув сепадиган 3 та автомашина, йўлларни таъмирлаш ва асфальтлаш учун 2 та мотокатка, траллёр, компрессорлар ажратилди.

Ҳа, бугун бундай ижобий ўзгаришларни пойтахтимизнинг ҳар бир ҳудуди ва маҳаллаларида кузатиш мумкин. Зеро, обод маскан фариштали бўлади. Фариштали хонадондан қут-барака аримайди. Қут-баракали хонадонларга бой мамлакатнинг эса эртаси янада ёруғ, келажаги янада нурафшон бўлиши табиий. Бу туман ободонлаштириш бошқармаси жамоасининг фикри. Улар ўзларининг камтарин маҳнатларини шаҳар юбилейига тўёна сифатида баҳолашмоқда.

**Усмон УСМОНОВ.**

## БАЛЛИ, ДИЛШОД!

***Россиянинг Калининград шаҳрида эркин кураш бўйича йирик халқаро турнир бўлиб ўтди.***



Ўнга яқин мамлакатдан келган кучли полвонлар иштирок этган нуфузли мусобақада юртдошимиз, икки карра жаҳон чемпиони, кўплаб халқаро турнирлар ғолиби Дилшод Мансуров (60 килограмм вазнда) шоҳсупанинг биринчи поғонасидан жой олди. У финалда қирғизистонлик курашчи Бозор Бозоргуруевни катта устунлик билан мағлубиятга учратди. Ўз навбатида мазкур турнир Дилшод учун Пекин Олимпиадаси олдидан катта тайёргарлик вазифасини ўтади.

Хабарингиз бор, эркин курашчиларимиздан Қурбон Қурбонов (66 кг.), Сослан Тигиев (74 кг.), Заурбек Сохиев (84 кг.) ва Артур Таймазов (120 кг.)лар ҳам Олимпиада йўлланмаларини қўлга киритишган.

## БАА ВА ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ТАНЛАНДИ

***Ўзбекистон терма жамоаси ўз олдига 2010 йили Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати ҳал қилувчи тўртинчи босқич саралаш учрашувида муносиб иштирок этишни мақсад қилиб қўйган.***

Ўзбекистон футбол федерацияси матбуот хизматидан олинган хабарда айтилишича, ҳамюртларимиз 29 август куни Бирлашган Араб Амирликлари, 11 октябрь куни эса Жанубий Корея терма жамоаси билан сафарда ўртоқлик учрашувларида майдонга тушади. Шунингдек, 20 август куни Тошкентда ҳам кучлироқ терма жамоа билан ўртоқлик учрашуви ўтказилиши режалаштирилган.

Эслатиб ўтамиз, футболчиларимиз жаҳон чемпионати тўртинчи саралаш босқичини 6 сентябрь куни сафарда Қатар терма жамоасига қарши ўйин билан бошлашади. 10 сентябрь куни эса Австралия терма жамоаси футболчиларимиз меҳмони бўлишади.

## МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИМИЗДА ЧИЛИЛИК ФУТБОЛЧИ



***Ўзбекистон миллий чемпионати пешқадамларидан бири—"Қурувчи" жамоаси сафига яна бир тажрибали футболчи қўшилди.***

1981 йилда Чилида туғилган Хосе Луис Вильянуэва билан бир йиллик шартнома имзоланди. У "Қурувчи" сафида 17-рақам билан ҳаракат қилади.

Таъкидлаш лозимки, Вильянуэва Аргентина, Чили, Бразилия ва Мексиканинг етакчи жамоалари сафида тўп сурган. Тўрт марта Чили терма жамоаси сафида майдонга тушган.

Ўзбекистон миллий чемпионатининг бугун ўтказиладиган марказий учрашуви — "Пахтакор"—"Қурувчи" беллашувида жанубий америкалик футболчи майдонга тушиши кутилаяпти.

## ЛУИЗА ХАЛҚАРО ТУРНИР ҒОЛИБИ

**Минск (Беларусь)да спорт гимнастикаси бўйича анъанавий халқаро турнир якунланди.**

**Унда икки нафар ҳамюртимиз — Асал Сапарбаева ва Луиза Галиулиналар юртимиз шарафини ҳимоя қилди.**

**Мусобақада Луиза Галиулина муваффақиятли иштирок этиб, олтин медаль соҳиби бўлди.**



## ЛУИС АРАГОНЕС «ФЕНЕРБАХЧЕ»ДА

**Испания терма жамоасининг Европа чемпиони бўлишида муносиб ҳисса қўшган тажрибали мураббий Луис Арагонес 6 июлдан бошлаб "Фенербахче" (Туркия)да фаолиятини бошлади.**



Бош мураббий ўзи билан бирга Испания термаси ва "Мальорка" жамоаси ҳужумчиси Даниэл Гуисани ҳам Туркияга олиб келди, деб хабар беради "Goal.com" интернет сайти. Ушбу футболчини сотиб олишга "Фенербахче" жамоаси 15 миллион евро маблағ ажратди.

Даниэл Гуиса Испания чемпионатининг 2007-2008 йилги мавсумида 27 та тўп киритиб, энг яхши ҳужумчи сифатида эътироф этилганди. Шунингдек, у яқинда ниҳоясига етган Европа чемпионатида захирадан майдонга тушган бўлса-да, икки бор рақиблар дарвозасига тўп киритишга муваффақ бўлди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.**

Спорт ● Sport ● Спорт

# ЮКСАК ҒАМХЎРЛИКДАН БАҲРАМАНД АВЛОД

**2008 йил — Ёшлар йили**



***Куни кеча мамлакатимизнинг барча ўрта махсус таълим даргоҳларида битирувчиларга диплом топшириш маросими бўлиб ўтди. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номидаги Республика мусиқа коллежида ҳам ана шундай тантанали тадбир ўтказилди. Уч йил давомида мусиқа санъати бўйича билим эгаллаган йигит-қизлар келгусида ўзлари меҳр қўйган йўналишда таълимни давом эттиришдек эзгу мақсад ила мустақил ҳаётга қадам қўймоқдалар.***




Улар орасида халқаро танловларда ғолиб деб топилган истеъдодли ўқувчилар бисёр. Зеро, суратда кўриб турганингиз бу иқтидорли ёшлар Россия, Украина, Қозоғистон мамлакатларида бўлиб ўтган нуфузли фестивалда олий мукофотларга сазовор бўлишган. Қолаверса, ҳар йили мамлакатимиз миқёсида ўтказиладиган "Келажак овози", "Ниҳол", "Истеъдод" каби кўрик-танловларда юксак натижаларни қўлга киритиб келмоқдалар.

— Жорий йилда 282 нафар битирувчига диплом топширилди, — дейди ўқув даргоҳининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Эльвира Яфасова. — Улар миллий чолғу, анъанавий ижрочилик, Европа ва рус оркестри, хор, баян, скрипка, фортепьяно сингари мусиқий йўналишлар бўйича таълим олишди. Коллежда ёшларга замонавий асосда билим беришимиз учун барча имкониятлар етарли. Хусусан, бу ерда замонавий ахборот-ресурс маркази, компьютер синфлари, катта-кичик концерт заллари, овоз ёзиш студияси сингари қулайликлар мавжуд. Ўқув масканимизда уч юз нафардан зиёд малакали педагог 4 минг ўқувчига санъат сирларидан сабоқ бераётир.

Тадбирда ўн етти яшар Муножот Мусаеванинг "Эй чеҳраси тобон"ни хониш айлаши барчани сел қилиб юборди. Унинг майин ва ширали овози, қўшиқни юракдан ҳис этиб куйлаши дилларга завқ улашади. Зеро, бугун қадрдон билим даргоҳидан мустақил ҳаёт сари учирма бўлаётган бундай иқтидорли ёшларни санъатга меҳри баланд, бетакрор истеъдодли ўғил-қизлар, дейишга ҳақлимиз.

Ана шундай зеҳнли ёшлар (суратда)дан 166 нафари пойтахт вилоятининг Қибрай туманидаги молия-иқтисод коллежини тамомлади. Улар ўқув даргоҳида молия, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, банк иши, ҳуқуқшунослик, информатика ва компьютер мутахассислиги, ошпазлик сингари таълим йўналишлари бўйича таълим олишди.

— Коллежимизда мультимедиа, компьютер синфлари, кадоскоп, камера, лаборатория ҳамда лингафон хоналари, ошпазликни ўрганишимиз учун махсус ўқув ошхонаси, ёзги ва қишки спорт мажмуаси, ётоқхона сингари имкониятлар муҳайё қилинган, — дейди имтиёзли диплом соҳибаси Феруза Икромхўжаева. — Шундай шарт-шароитда ўзимиз қизиққан касб-ҳунар ва фанларни пухта ўргандик. Кўзлаган мақсадимизга етиш учун билим берган устозларимиздан беҳад миннатдормиз. Келгусида олий ўқув юртига кириб, аъло баҳоларга ўқиш ва шу билан устозлар ишончига муносиб бўлишни ният қилганмиз.

Бугун коллеждан мустақил ҳаёт сари учирма бўлаётган ёшлар қалбида қатъий бир мақсад мужассам. У ҳам бўлса, юрт ишончига лойиқ бўлиш, эртамизнинг ҳар жиҳатдан фаровонлигини таъминлашга ҳисса қўшиш истагидир. Зеро, Юртбошимиз ишонч билдирганларидек, бу шижоатли йигит-қизлар эл-юртимизнинг юксак эътибори ва ишончини, эзгу орзу-ниятларини рўёбга чиқариш учун доимо муносиб бўлишга интилаётган навқирон ёшлардир!

**Муборак ОХУНОВА.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ ва Даврон АҲМАД олган суратлар.




## БИЛАСИЗМИ?

***● Биринчи велосипед бундан икки юз йил муқаддам ихтиро қилинган экан. Унинг ҳозиргисидан фарқи педалсиз бўлган. Педалли велосипедлар эса 1839 йили биринчи бор британиялик К. Макмиллан томонидан йиғилган.***

*● Одам ҳаёти давомида ўртача 3201 дона бодринг ер экан.*

***● Германиянинг Фюрберг шаҳрида дунёдаги энг катта кружка сақланади. 1820 йилда ясалган бу идишнинг баландлиги икки метрга тенгдир.***

*● Энг баланд кўл Жанубий Америкадаги Анд тоғида жойлашган. Титикака номли бу кўл ер сатҳидан 3812 метр юқоридадир.*

***● Аризонада туяларни овлаш қатъиян таъқиқланади. Кактусларга зиён етказган киши эса 25 йилга озодликдан маҳрум этилиши мумкин.***

*● Жазоирда шундай кўл борки, унинг сувидан бемалол сиёҳ ўрнида фойдаланиш мумкин.*

**Фазлиддин Абилов тайёрлади.**

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.



МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.



МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

«МАЗ» ВА «АМКОДОР» ТЕХНИКАЛАРИГА СЕРВИС ХИЗМАТИ КЎРСАТИЛАДИ.

Манзил: 100005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 291-64-06, 291-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳайъати ҳамда касаба уюшмаси бирлашган қўмитаси ЎзР ФА «Ботаника» илмий ишлаб чиқариш маркази бош директори маслаҳатчиси, биология фанлари доктори, профессор

**Озодбек АШУРМЕТОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактаби жамоаси бош мутахассис Илҳом Мухторовга волидаи муҳтарамаси

**ТУРСУНОЙ аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

INTER-PRESS ОБУНА ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР 119-0000, 119-8383, 155-0955
Тошкент ш., Навоий к.,13 e-mail: book@interpress.uz www.interpress.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 26421 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5 6 8